ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ НАЗАРИЯСИ: ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

М.Қирғизбоев, Б.О.Жуманиязов

Мақолада “фуқаролик жамияти” тушунчасининг концептуал мазмун-моҳияти, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари ва уларнинг келиб чиқиш зарурияти, тадрижий ривожланиши ва функционал жиҳатлари назарий жиҳатлардан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, либерализм (эркинлаштириш), фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (муниципалитетлар), маҳалла, демократик сайловлар, сайловлар тизими, оммавий ахборот воситалари.

В статье рассмариваются концепутальное содержание понятия «гражданское общество», генезис и эволюционное развитие политических партий, негосударственных организаций, а также их функциональные аспекты.

Ключевые слова: гражданское общество, правовое государство, либерализм, политические институты, демократические институты, институты гражданского общества, политические партии, негосударственные организации, органы самоуправления граждан (муниципалитеты), махалли, демократические выборы, система выборов, средства массовой информации.

The paper considers the content of the “civil society” notion, the necessity of the origin of political parties, non governmental organizations, development and the aspects of their functioning.

Key words: *civil society, legal state, fair society, liberalism, civil society institutions, political parties, non government organizations, citizens self governing bodies (municipalities), makhalla, democratic elections, the system of elections, mass media*

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқаролик жамияти қуриш мақсади белгиланди. Президент И.А.Каримов мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий йўлини қуйидагича таърифлаган эди: “Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир” [1.331]. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда чуқур илдиз отиб бораётган фуқаролик жамиятига доир назарий қарашларни таҳлил этиш энг долзарб вазифалар сирасига кирди.

Фуқаролик жамиятига доир илк қарашлар бир неча асрлар давомида шаклланди. Кейинги юз йилликда фуқаролик жамияти ҳақида кўп фикрлаш ва у ҳақда ёзиш таомилга кирди. Кўпчилик учун янги бўлган бу тушунча фуқаролар эркинлиги ҳақидаги тасаввурларнинг муҳимлиги сабабли ҳам кишини тез жалб этади. Европада фуқаролик жамияти тўғрисидаги илк ғоялар XVII аср ўрталарида, Томас Гоббснинг асарларида ўз ифодасини

топганидан кейин пайдо бўлди. Шу даврдан бошлаб фуқаролик жамияти долзарб ижтимоий-сиёсий тасаввур ва тушунча сифатида такомиллашиб борди [2.60-61].

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги янги қарашларнинг дастлабки муаммоларидан бири унинг табиийликдан ижтимоий-сиёсийликка ўтишини асослаб беришдан иборат бўлди. Бу даврда инсоннинг икки хил – табиий ва ижтимоий келиб чиқиши тўғрисидаги қарашлар пайдо бўлган эди. Унга биноан, жамият, давлат ва унинг сиёсати табиийлик касб этиши лозим. Жамиятнинг ана шундай табиий бошланишини цивилизацияга эришганлик, деб баҳолаш расм бўлди. Натижада «civitas» (цивитас), яъни «шаҳар» тушунчасидан «civilitas» (цивилитас) – «бошқарув», «фуқаролик», «давлат», «сиёсат», «фуқаролик жамияти» (қадимги Римдагидек) тушунчасига ўтиш бошланди [3.128-130].

Ҳеч бир шубҳасиз тарзда айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти ва давлат ўзаро муносабатларини жуда мукаммал ишлаб чиққан мутафаккирлардан кўзга кўринарлиси Георг Гегельдир (1770-1831). “Фуқаролик жамияти, – деб таъриф беради Гегель, – фаолияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синфлар, гуруҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуи бўлиб, у тўғридан-тўғри давлатнинг сиёсий бошқарувига боғлиқ эмас. Шунингдек, Гегель бу фикрини ривожлантира бориб қуйидаги хулосага келади: «Фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳуқуқи давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат «ўзининг зиммасига» менинг ҳуқуқларимни ҳудди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади» [4.418]. Яна мутафаккир давлат инсонга бундай жамият қуриш имкониятини очиб беради, деган фикрни илгари суради [4.279,286].

Ғарбий Европа мамлакатлари жамиятларидаги ўрта мулкдорлар табақасининг мустаҳкамланиб бориши, саноат ва савдонинг ривожланиши, бозор муносабатларининг авж олиши билан эркинлаштириш (либерализм) мафкураси ҳам шаклланиб борди. XIX асрга келиб бу мафкура таъсирли сиёсий ва интеллектуал оқимга айланди, турли ижтимоий табақалар ичида унинг тарафдорлари кўпайди. Лекин либерализмнинг асосий ижтимоий базаси, аввало, саноат ва савдо соҳасидаги ўрта тадбиркорлар (мулкдорлар), шунингдек, майда мансабдорларнинг баъзи вакиллари, эркин касб эгалари ва университетлар олимларидан иборат эди.

Ўрта ижтимоий қатлам, яъни «учинчи табақа»нинг либерал мафкурасини яратишга Иеремия Бентам (1748-1832) катта ҳисса қўшди. У Томас Гоббс, Жон Локк, Давид Юм фалсафий ғоялари, XVIII асрдаги француз маърифатпарварлари Клад Гельвеций, Анри Гольбах қарашларини чуқур ўрганиш асосида утилитаризм (утилитаризм - лот. «фойда»; XIX аср бошларида “фойда ёки наф кўриш ҳам – ахлоқ асосларидан бири” ғоясини илгари сурган оқим) назариясига асос солди. Унга тўртта қоида асос қилиб олинди: ҳаётдан қониқиш олиш ва унда азобланишнинг барҳам топиши инсоний фаолиятнинг моҳиятини ташкил этади; фойдали бўлиш, қандайдир масалани ечиш воситаси бўлиш имконияти – барча ҳодисаларни баҳолашнинг энг муҳим мезони; маънавият одамларга кўпроқ бахт-фаровонлик келтириш мақсадида кўпчилик томонидан яратилган; индивидуал ва умумий манфаатларни уйғунлаштириш йўли билан умумий фойдани кўпайтириш инсониятнинг ривожланиш мақсадидир.

Англияни ҳақли равишда либерализм ватани дейиш мумкин. Лекин Англиядаги либерализм асосчилари ичида Жон Стюарт Милль (1806-1873) алоҳида ажралиб туради. Милль фуқаролик жамиятининг асл моҳиятини қуйидагича ифодалайди: «Қандай бошқарилишидан қатъи назар, индивидуум фикрлаш ва сўз эркинлигига, шунингдек, уюшмалар тузиш эркинлигига эга бўлмаган жамиятнинг ўзи эркин эмас. Фақат шундай жамиятни эркин дейиш мумкин: унда индивидуал эркинликнинг барча турлари, кимлигидан қатъи назар, шу жамият аъзоларининг ҳаммаси учун бир хилда, мутлақ равишда мавжуд бўлади. …Ҳар бир индивидуум ўзининг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатлардан соғлом бўлиши учун ўзи энг яхши химоячидир. Агар жамият ҳар бир инсоннинг қандай яшашини белгилаб бермасдан, балки ҳар бир инсонга ўзи энг яхши деб танлаган ҳаёт тарзини кечиришига имкон яратиб берса, у фақат ютуққа эришади» [5.738-743].

XIX асрининг биринчи ярмида фуқаролик жамиятига доир назарий қарашларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган немис олимлари – либерализм мафкурасининг йирик намояндалари қаторига Фридрих Дальман, Роберт фон Моль, Карл Роттек, Карл Велькер, Юлиус Фрёбель кабиларни киритиш мумкин. Уларнинг қарашлари ва фаолияти ўша даврдаги Германия сиёсий ва руҳий иқлимига кучли таъсир этди. Лекин уларнинг ичида умумевропа аҳамиятига эга, либерал ғоялари ва асарлари билан кенг танилган машҳур-

ларидан бири – бу Вильгельм фон Гумбольдтдир (1767-1835).

Гумбольдт ижтимоий фанлар томонидан XVIII асрда бошланган жамият ва давлатни дифференциялаш («фуқаролик жамияти») тарафдори эди. Бу дифференциялаш чегаралари қуйидаги ўзаро фарқланишлардан иборат бўлди: 1) миллий муассасалар тизими (ташкилотлар, иттифоқлар, индивидлар томонидан қуйидан шакллантириладиган уюшмалар) билан давлат институтлари ўртасидаги фарқланиш; 2) "табиий ва умумий ҳуқуқ" билан бевосита давлат томонидан тузиладиган позитив ҳуқуқ ўртасидаги фарқланиш; 3) "инсон" билан "фуқаро" ўртасидаги фарқланиш [6.631-632].

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб «фуқаролик жамияти» тушунчаси ер юзи бўйлаб кенг тарқалди. Таниқли сиёсатшунос олим Р.М.Дженкинс фуқаролик жамияти деб давлат ва индивидуум ўртасида воситачи бўлган ижтимоий тизилмалар мажмуини тушунади. Дженкинс демократиянинг фуқаровийлик соҳасидаги ўрнини қуйидаги тўртта моддада ифодалайди:

1. Плюрализм ва кўп шакллиликдан иборат фуқаровийлик соҳаси демократияннг таркибий қисми ҳисобланади.

2. Фуқаровий соҳа индивидуумлар манфаатларини бир тизимга тўплайди, уни гуруҳий манфаатлар сифатида турли муносабатларда ифодалайди ва демократиянинг муҳим интеграцияловчи кучи сифатида намоён бўлади.

3. Фуқаровий соҳа ҳукуматни турли "оғишлардан" ушлаб туради ва уни назорат этади.

4. Фуқаровий соҳа индивидуумларнинг ижтимоий институтларда иштирок этишига имкониятлар яратади [7.21-27].

АҚШ сиёсатшунос олимлар М.Эдвардс ва Дж. Гавента фикрича, фуқаролик жамияти ўта зиддиятли характерга эгадир. Ҳозирга қадар унинг моҳиятини тўлиқ очиб берадиган умум эътироф этилган таъриф шаклланмаган. Улар «фуқаролик жамияти» тушунчасини чуқур ва кенг маъноларга эга эканига эътибор қаратиб, бу «жамият кенгликларида кишилар ўзларининг фойда олиш ёки сиёсий ҳокимият билан боғлиқ бўлмаган умумий манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашадилар» деган хулосага келдилар. Фуқаролик жамиятининг ташкилотлари – бу мазкур жамият кенгликларида ҳаракат қилувчи турли гуруҳлардир: уюшмалар, сиёсий партиялар, ҳамжамиятлар, ноҳукумат ташкилотлар. Фуқаролик жамиятининг ташкилотлари баъзи муаммоларга доир, шунингдек, турли-туман ўзаро ихтилофларга киришиш асносида фаолият юритадилар.

Шунингдек, немис сиёсатшунос олими Г.Якоб «жамият фаровонлиги учун ихтиёрий меҳнат қилишни фуқаролик жамиятининг таркибий қисмларидан бири» деб қарайди. У «фуқароларнинг жамоатчилик ишларида иштирок этиш имкониятларини амалга оширишга қаратилган ихтиёрий бирлашмалар ўзида фаол фуқаролик жамиятини мужассамлаштиради" деб ёзган эди.

Машҳур сиёсатшунос олим Флипп Шмиттернинг фикрича, «фуқаролик жамияти» қуйидаги «ўзини ўзи ташкиллаштирувчи медиатор (воситачилик қилувчи) гуруҳлар»дан иборатдир:

- давлат ҳокимияти органларидан нисбатан, шунингдек, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш нодавлат бирликлари, яъни фирма, оила кабилардан мустақил;

- ўз манфаатлари ва интилишларини ҳимоялаш / уларга эришиш мақсадларида жамоавий акцияларни режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятига эга;

- шу билан бирга, давлат тизилмалари, хусусий (қайта) ишлаб чиқариш соҳаси ўрнини босмайдиган ёки ўзига умуман сиёсатни бошқариш функциясини олмаган;

- лекин шаклланиб бўлган, «фуқаролик» ёки ҳуқуқий меъёрлар доирасида фаолият юритишга рози бўлган» [8.16].

Юқоридагилардан аён бўляптики, фуқаролик жамияти жамиятнинг энг юқори шакли ҳисобланиб, у ўз ичига турли «уюшмалар»нинг таркибий қисмларини (оила, корпорация кабилар) қамраб олади. Улар ўз моҳиятига кўра жамиятдаги адолатлилик тамойилига асосланган ҳамжамиятга уюшишни ифода этади. Бу жамиятда ҳар бир киши ўзи учун олий фаровонлик топиши мумкин.

Фуқаролик жамияти ғояси XX асрнинг 80-йилларида авж олган демократиялаштириш жараёнлари натижасида алоҳида мазмун касб этиб, тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижтимоий андоза сифатида талқин қилина бошлади. Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради, унинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги эркин фаолиятини таъминлайди.

Шу билан бир қаторда, ривожланган мамлакатларнинг XX аср иккинчи ярмидаги тажриба-

лари умумлаштирилганида, ҳозирги замонавий фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига доир тасаввурлар намоён бўлади.. Улар, асосан, қуйидагилардан иборатдир:

Иқтисодий соҳада: нодавлат ташкилотлар: кооператив-ширкатлар, ижара жамоалари, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, корпорацияларнинг мавжудлиги.

Ижтимоий соҳада: оила; партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар; иш ва яшаш жойларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари; нодавлат оммавий ахборот воситалари; жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиботлари; ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлиги.

Маънавий соҳада: сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги; ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари; ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминлаганлиги.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири – бу ҳар бир фуқаронинг ўз шахсий мулкига эга бўлиши, бу мулкни ўзи истаган тарзда тасарруф қила олиши учун унинг бу мулкка нисбатан шахсий ёки жамоавий ҳуқуқининг кафолатланган бўлишидир. Фуқаролик жамияти инсоннинг ўзини ўзи ҳаётда реализация қила олиши учун нисбатан кенг шарт-шароитлар яратиб бериши билан ҳам алоҳида ажралиб туриши ўз исботини топди. Ҳозирги даврда Шимолий Америка, Европа мамлакатлари, Австралия, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатлар фуқаролик жамияти шароитида яшамоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ҳаракатлар фақат мустақиллик даврига келиб бошланди. Бу даврда фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Фуқаролик жамиятининг институтлари миллий анъаналар ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда 8 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар, 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари, 500 га яқин нодавлат халқаро ва хорижий ташкилотлар ва уларнинг филиаллари фуқаролик жамиятининг институтлари сифатида фаолият олиб бормоқда. Бу ҳолат мамлакатда фуқаролик жамиятининг жадаллик билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т.8.- Т.:Ўзбекистон, 2000.

2. История политических и правовых учений XVII-XVIII вв.- М.:Наука,1989.

3. Кравченко И.И. Концепция гражданского общества в философском развитии // Политические исследования.- 1991.- №:5.

4. Гегель Г.В.Ф. Философия права. – М.: Мысль, 1990.

5. Милль Ж.С. О свободе. //Антология мировой политической мысли. В 5 т.Т.I.- М.: Мысль 1997.

6. Гумбольдт В. Опыт установления пределов государственной деятельности //Антология мировой политической мысли. В 5 т.Т.I.- М.:Мысль 1997.

7. Кондороши Ф. Гражданское общество на защите прав человека. // Гражданское общество и право. – Москва.- Бюллетень.- №1(47) 2003.

8. Шмиттер Ф. Размышления о гражданском обществе и консолидации демократии. // Политические исследования.- 1996.- № 5.

Андижон давлат университети,
2016 йил 4 январда қабул қилинган
(тақризчи: ф.ф.д. А.Ш.Собиров)